



DO'STLIK ВАУРОГ'И

38-сон (4146)

2023 йил 21 сентябрь
ПАЙШАНБА



Инсоннинг жисмини
даволаш учун
ухлатиш,
Руҳини даволаш учун
эса уйғотиш керак!!!

Лев Толстой

Газета 1983 йил 1 январдан чиқа бошлаган • dustlik@umail.uz • t.me/dustlikznamenya_uz • facebook.com/Do'stlik bayrog'i | Знамя дружбы

Лойиҳа доирасида

“ОМБУДСМАН МАКТАБИ” - ҚИЗИЛТЕПАДА

Сўнги йилларда Омбудсманга юборилган мурожаатлар таҳлили аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасидаги ислохотлардан хабардор этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

2022 йилдан республикамизнинг чекка ҳудудларида “Омбудсман мактаби” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Маҳаллалар кесимида ташкил этилаётган мазкур лойиҳа фуқароларга яратилган имконият ва имтиёزلардан аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмақлашиш мақсадида Қизилтепа туманида навбатдаги “Омбудсман мактаби” тадбири ташкил этилди.

“Бунёдкор”, “Бўстон”, “Зармитан”, “Ғойибон”, “Яшнобод”, Алишер Навоий ва Фурқат номли маҳаллаларда истиқомат қиладиган фуқаролар иштирокида ташкил этилган тадбир аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат ҳуқуқи масалаларига бағишланди.

Лойиҳа доирасида Омбудсманнинг фуқаролар қабули ҳамда Омбудсман ҳамда унинг ҳузуридаги қийноқ ҳолатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари томонидан Навоий шаҳридаги 11-сонли жазони ижро этиш колониясига мониторинг ташрифи амалга оширилди.

Маҳкумлар билан жамоавий ва яқка тартибда суҳбатлар ўтказилди.

Шухрат ДЖУРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг вилоятдаги минтақавий вакили.

ЙИГИМ-ТЕРИМ ИШЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Айни пайтда бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимизда дала майдонларида ҳам пахта йғим-терим ишлари қизгин тус олган. Ташкил этилган терим отрядлари томонидан ҳосил нес-нобуд қилмай йғиб олиниб, отряд теримчилари пахта хирмонининг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мавсум мавзуси

Маълумот ўрнида айтиш керак, вилоят бўйича жорий йил 28 155 гектар ерга чигит экилган бўлиб, жами 862 та фермер хўжалиги томонидан 105 минг тонна ҳосил топириш режалаштирилган. Шундан терим мавсуми бошидан буён 11 минг тоннага яқин ҳосил йғиб-териб олинди.

Терим суръатининг ошишида қизилтепалик пахтакорларнинг ҳам ҳиссаси алоҳида. Хусусан, туманининг “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳудудидаги “Акрам Шариф” фермер хўжалиги 45 тонна пахта ҳосилини йғиб, пахта топириш режасини биринчилар қаторида бажарди. Шунингдек, ушбу маҳалладаги “Уртачўл юлдузи 2018” фермер хўжалиги теримчилари 118 минг тонна, яъни режадан ортиқ ҳосилни хирмонга топиришди.

— Туманда мавсум учун 205 та терим отряди ташкил этилиб, 21 300 та теримчи жалб қилинган. Улар учун зарур шароитлар мавжуд. Туман иқлими ва тупроғининг ҳолати инobatта олиниб, “Бу-хоро-10” нави экилган. Мақсадимиз етиштирилган ҳосилни ёғингарчилик кунларига қолдирмай йғиб олиш, - дейди туман ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Фарҳод Эсанов.

Хатирчи туманида ҳам терим - авж паллада. “Зарафшон” маҳалласи ҳудудидаги “Бойжон бобо ўғли Бердинов” фермер хўжалигининг пахта топириш режаси 4 тонна бўлиб, кўрсаткич 6 тонна 300 килограммга етказди. Ҳосил эса ҳар гектардан 53 сентнерга тўғри келди. “Оқ олтин” маҳалласидаги “Алиев Абдуғани” фермер хўжалиги бағиланган режа эса 38,1 тонна бўлиб, хўжалиқнинг илгор теримчилари томонидан 39,4 тонна ҳосил йғиб олинди.

Ҳудудларда терим ушқоқчилик билан давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

КЕЛГУСИ 7 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Жорий йилда халқимиз кўплаб сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, янгиликлар, ислохотларнинг мамлакатимиз, жамиятимиз ҳаётидаги инъикосига гувоҳ бўлди. Аҳамиятлиси, булар шу юрда яшаётган ҳар бир фуқаро кўнглида келажак равнақида дахлдорлик ҳиссини чин маънода уйғота олди.



Айнан мамлакатимизда жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги тахирдаги Конституцияси қабул қилинишида халқимиз кўрсатган сиёсий фаоллик фикримизни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ўтказилган президентлик сайловида ҳам халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳеч бирига бефарқ эмаслигини, бунга ўзининг шахсий муносабати, қарши борлигини хоҳиш-иродаси - овози орқали намён қилди. Шундай экан, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, умуман янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон —

2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эса ана шундай юксак вазифаларни амалга оширишга қаратилган билан муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, Президентимиз Фармони билан тасдиқланган мазкур Стратегия орттирилган бой тажриба ҳамда жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилгани унинг келгуси 7 йил давомидаги тараққиётимизга замин, ҳуқуқий дастуриламал бўлишини таъминлайди.

Стратегияда бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган.

Муносабат

ВИЛОЯТИМИЗ БЎЙЛАБ

Навоий вилоятида жойлашган тарихий ёдгорликлар Юнесконинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Бу ҳақида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Жаҳон мероси қўмитасининг 45-сессиясида маълум қилинди. Ўзбекистон “Буюк ипак йўлининг Зарафшон – Қорақум коридори” номинациясини тақдим этиш бўйича лойиҳа координатори сифатида иштирок этди.

Сессия давомида Буюк Ипак йўлининг Зарафшон – Қорақум йўлига, яъни Навоий вилоятидаги Қосим Шайх меъморий мажмуаси, Мир Сайид Баҳром Мақбараси, Работи Малик қарвонсаройи ва Сардоба ҳамда Деггарон масжидлари ҳам Юнесконинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Зарафшон шаҳрида илк бор буйрак қўчириш амалиёти ўтказилди. Мураккаб амалиёт Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлими ходимлари ҳамда воҳа шифокорлари ҳамкорлигида амалга оширилди.

5 соат давом этган тиббий амалиёт давомида Зарафшон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаролар 37 ёшли Зарифжон Исоқов ўз акаси 44 ёшли Салоҳиддин Исоқовга чап буйрагини берди. Амалиётдан сўнг ака-укаларнинг аҳоли яхши.

Нуротада 120 ўринли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси қурилмоқда.

Қиймати 7,0 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа тумандаги “Истиқбол” маҳалласи “Кичик саноат зонаси” ҳудудида жойлашган “ПРЕМИЕР ТЕХТИЛЕ” ҳусусий корхонаси томонидан бунёд этилмоқда.

Тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиши натижасида ҳудуддаги 120 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Давоми 2-бетда.

Чорвачилик

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Етти хазинанинг бири саналган чорвачилик соҳаси Конимех туманида энг ривожланган тармоқлар қаторида эътироф этилади. Шу маънода айтиш мумкинки, маҳаллий аҳоли асосан йирик ва майда шохли молларни парваришлаш билан шуғулланиб, одамларнинг асосий даромад манбаи ҳам айнан ушбу йўналишидир.

Кейинги йилларда чорвачиликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида туманда қатор ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Агарда рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда тумандаги барча тоифадаги хўжалиқларда 23 312 бош йирик шохли, 555 129 бош майда шохли мол, 5138 бош от ҳамда 163 279 бош парранда мавжуд. Барча тоифадаги хўжалиқлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 6046,8 тонна гўшт, 9386,6 тонна сут, 4531,9 дона тухум маҳсулотлари етиштирилди.

— Ҳозирда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига аҳолининг йиллик талаби тўлиқ қопланапти, - дейди

туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари Арис Азербоев. - Лекин бу хотиржамликка берилишга асос бўлмайди. Шу боис, жорий йил учун чорвачиликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур режага асосан, йил якунига қадар четдан 500 бош йирик, 3000 бош майда шохли молларни олиб келиш кўзда тутилган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, шу кунга қадар фермер хўжалиқлари ва МЧЖлар томонидан 2400 бош насли қўй ва 682 бош йирик шохли моллар хориждан олиб келинди.

Давоми 2-бетда.

БОЛАНИ ЧЕТ ЭЛДА НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРИШ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 15 март кuni имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга айрим ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди.

Унга қўра, Ўзбекистон фуқаролигига эга болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш БҲМнинг 10 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга қўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қўйи билан 30 кунлик муддат белгиланиб, суд ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс зиммасига болани чет давлатдан Ўзбекистонга қайтариш ёхуд ҳуқуқбузарликни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, Жиноят кодексига киритилган қўшимчага қўра, болани чет давлатда назоратсиз қолдириш, худди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса ёхуд боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистонга қайтарилишини таъминламаслик 3 йилгача озодликдан маҳрум

қилиш билан жазоланиши мумкин. Ушбу қилмиш оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, уни содир этган шахс 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкинлиги белгиланган бўлади.

Мазкур Қонун талабларига риоя қилиш ҳамда қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ва унинг оқибатлари юзасидан Навоий шаҳар ИИБ М ва ФРБга вояга етмаган фарзандларини хорижий давлатга олиб кетиш учун мурожаат қилган ота-оналар ва ҳамроҳлик қилувчи шахслар ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилиб, махсус қўлланмалар тарқатилиб, фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар бериб борилмоқда.

Сулаймон НИЁЗОВ,
Навоий шаҳар ИИБ М ва ФРБ бошлиғи.

Қонунчилиқдаги ўзгаришлар

Тиббиёт

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЖКА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари вилоятимизга ташриф буюрди.

ЯПОНИЯЛИК ҲАМКОРЛАР - НАВОИЙДА

Меҳмонлар дастлаб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлиб, бошқарма бошлиғи Нурали Сафоев билан музокаралар олиб боришди. Шундан кейин ташриф дастурига асосан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида япониялик ҳамкорлар билан учрашув ташкил этилди.

Мазкур ташрифдан қўзланган мақсад Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами билан тақдим этилган “Ўзбекистонда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш” техник ҳамкорлик лойиҳаси экспертларининг намоёйишини кузатишдан иборат.

— Тўрт йил олдин Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига ЖКА ташкилоти томонидан ўзаро шартнома асосида катта миқдордаги замонавий тиббиёт асбоб-ускуна-

лари етказиб берилган эди, - дейди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Бито Ёшибуми. - Ковид пандемияси туфайли вилоятимизга келишининг имкони бўлмаган эди. Ташриф давомида марказдаги асбоб-ускуналарнинг ҳолати ва уларнинг ишлатилишини яқиндан кузатиб, қониқиб ҳосил қилдик.

Жаҳондаги етакчи давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш тиббиётни халқимизга янада яқинлаштириш, аҳолининг ўртасида соғлом турмуш маданиятини бойитиш ва турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жамолiddин АХТАМОВ.

ФАКТ

2023 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида вилоятимизда жами 1 422 та қурилиш корхонаси фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, улар 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 9 тага кўпайган. Бундан ташқари, жорий йилнинг январь-август ойларида 108 та янги қурилиш корхоналари ташкил этилди.

Шундан Навоий шаҳрида 416 та, Зарафшон шаҳрида 128 та, Ғозгон шаҳрида 12 та, Кармана туманида 230 та, Конимех туманида

33 та, Қизилтепа туманида 216 та, Навбахор туманида 138 та, Нурота туманида 102 та, Томди туманида 30 та, Учқудуқ туманида 32 та ва Хатирчи туманида 85 та қурилиш корхонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Дилдора ЭГАМБЕРДИЕВА,
Статистик регистрларни юритиш бўлими етакчи муҳандиси.

КЕЛГУСИ 7 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яна бир муҳим йўналиш – “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш”да 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш, маҳаллий хомаш базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш асосий мақсадлардан этиб белгиланган. Бунда 2030 йилгача Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида йирик кимё-полимер кластерлари ташкил этилади ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилади.

Шунингдек, саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, хусусан саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли, ҳар бир туманда 2 тадан янги юқори технологик саноат зоналарини ташкил этиш ҳисобига уларда камида мингта иш ўринларини яратиш Стратегиянинг асосий ғояларидан ҳисобланади.

Халқимиз учун муҳим ва оғриқли бўлган масалалардан яна бири бу “Яшил иқтисодиёт”дир. Стратегия орқали 2030 йилгача “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш

кўрсаткичлари кескин оширилади. Яъни, қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мега-ваттга ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, жамоат транспортларини тўлиқ экологик тоза ёқилғига ўтказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги имконият ва имтиёзлар тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали мустақамланган. Иқтисодиётни ривожлантиришда экспорт салоҳиятини кучайтириш ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Стратегияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, келгуси 7 йилликда мамлакатимизда экспорт ҳажми 2 баробарга оширилиб, 45 миллиард долларга етказилади. Экспортчи корхоналар сони 6,5 мингтадан 15 мингтага ҳамда хусусий секторнинг экспортдаги улуши 60 фоизга етказилади. Шу ўринда айтиш керак, келтирилаётган ҳар бир рақам самарадорлик кўрсаткичининг асоси ва бунинг учун қанчадан-қанча маблағ, меҳнат талаб этилади. Албатта, буларга эришиш осон бўлмайди. Энг муҳими, бунда реал имконият, юртимиздаги табиий бойликлар, қолаверса меҳнаткаш халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, иш тажрибаси ҳисобга олинган.

Таъкидлаш керак, бугун сув танқислиги глобал муаммага айланган ва бу борада тежамкорликка эришиш учун бутун дунёда,

хусусан республикамизда ҳам зарур чоралар кўриломоқда. Бу борада Стратегияда аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хужжатда сувни ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, камида 100 та йирик сув ҳўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш, барча йирик насос станцияларини давлат-хусусий шерикликка бериш каби қатор вазифалар белгиланган. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган сўғориш технологияларини жорий қилиш ва сўғориладиган майдоннинг ҳар бир гектарига бериладиган сув ҳажмини 20 фоизга камайитириш орқали сувнинг маҳсулдорлиги оширилади. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш орқали 1 метр куб ҳажмидаги сув билан сўғорилган ер майдонидан 3,7 доллар миқдорда даромад олишга эришилади.

Умуман олганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси халқчил, халқона ҳўжат ҳисобланади. Унда белгилаб берилган вазифалар миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, маънавиятимиз, маданиятимиз, ижтимоий ҳаётимиз, эртамаиз истиқболги, жамиятимиз ривожини унчанам дастуриламалдир.

Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси уринбосари.

“Яшил иқтисодиёт” ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда “Навоийуран” давлат корхонасида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенгайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.



Хусусан, биргина ўтган 2022 йилда қуввати 80 кВт бўлган фотоэлектр станцияси корхона бошқармасининг маъмурий биносига ўрнатилди. Ушбу фотоэлектр станцияси ўртача 104,0 минг кВт*с электроэнергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маъмурий бинонинг электр энергиясига бўлган талабини 90 фоизга таъминлаб келмоқда.

Бундан ташқари, 2023 йилда “Зафаробод” қон бошқармасининг 1,2,3,4-сон геотехнологик қонлариди умумий қуввати 500 кВт, “Учкудук” ИЧМда қуввати 50 кВт ва “Нуробод” ИЧМда қуввати 50 кВт бўлган фотоэлектр станциялари ишга туширилди. Ушбу умумий қуввати 600 кВт бўлган фотоэлектр станциялари ҳисобига

йиллик ўртача 850,0 минг кВт*с электр энергияси ишлаб чиқарилади.

“Навоийуран” ДКнинг 2023-2024 йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида янги имкониятлар ва ишга тушириладиган қувватлар ҳисобига, қўшимча қуввати 1 500 кВт бўлган фотоэлектр станцияларини жорий этиш бўйича “SOLAR ENERGY NAVOIY” МЧЖ томонидан ўрнатилган ишлари бошлаб юборилган.

Шунингдек, қуёш сув иситиш қурилмаларини (гелиоколлектор) жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда 4 та объектни доимий иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида 120 комплект гелиоқурилмалар ўрнатилди ва ушбу гелиоқурилмаларни жорий этиш ҳисобига йилга ўртача 140,7 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади.

“Навоийуран” ДК ахборот хизмати.

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ - УСТУВОР ВАЗИФА

Жорий йилнинг 30 апрель куни ўтказилган референдумда халқимизнинг яқдил овоз бериши орқали Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги юртимиздаги ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш, кўнглидаги барча эзгу орзу-мақсадларини рўбга чиқариш сари имкониятлар эшикларини очиб берди, десак муболага бўлмайди. Шунингдек, эртасининг бугундан яхши бўлишини истайдиган халқимиз қалбиди адолат ва қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш борасидаги ишончини янада мустақамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 сентябрдаги Фармони билан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тасдиқланиши эса эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўз юртини жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторида кўриш, жаҳон саҳнида мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама қудратли давлатга айлантириш орзусидаги халқимизнинг орзу-мақсадларига қанот бўлди.

Мазкур стратегиядаги асосий ғоялар билан танишар экансиз, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида давлатимиз томонидан жуда катта ва юксак марралар кўзланганлигини қалбдан ҳис этасиз. Айниқса, барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳўмия тизимини ташкил этиш ва халқимиз учун қулай экологик шароитларни яратиш борасидаги эзгу ғояларни амалга ошириш борасида амалга оширилажак ишлар ва режаларнинг ипидан игнасигача батафсил кўрсатиб берилгани Стратегиянинг халқимизнинг порлоқ келажиги учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

Стратегиянинг 1-баъдидаги, яъни “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш” борасидаги мақсадли режалар билан танишар экансиз, деярли уларнинг ҳар бирининг замирида экологик муҳитни яхшилаш муаммосини бартараф қилиш ғоялари ётанлигини кўрасиз. Масалан, таълим ислохотлари ҳақида сўз кетганда, умумий ўрта таълим муассасаларини тоза

ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш, аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳақида сўз борганда, онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимнинг олдини олиш мақсадида, аввало, экологик муҳитни яхшилашга эътибор қаратиш, маънавий тараққиётни янги босқичга кўтариш борасида аҳоли, айниқса, ешлар ўртасида дарахт ва гул қўчатларини экиш, яшаш ва ишлаш манзилларининг ободлиги ва тозаллигига ҳисса қўшишдек азалий миллий қадриятларимизга қайта ҳаёт бағишлаш масалаларига катта ургу берилган.

Юртимизни ҳар томонлама, жумладан, қудратли аграр-индустриал давлатга айлантириш борасидаги мақсадларни амалга оширишда биринчи навбатда экология ва атроф-муҳитни асрашга эътибор қаратилиши Стратегияда аниқ белгилаб берилган. Жумладан, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, бунинг учун босқичма-босқич қайта тикланувчи энергиядан самарали фойдаланиш, саноатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш, “экологик маркировкалаш” амалиётини жорий қилиш, жамоат транспортларини экологик тоза ёқилғига ўтказиш, темир йўлларни электрлаштириш борасидаги ишларни жадаллаштириш бўйича ҳам манзилли режалар батафсил кўрсатиб берилганлиги мавжуд экологик муаммоларни вақтни бой бермасдан бартараф этиш масаласи фоятда долзарблигини аналтади.

Юртимиз экологисини янада яхшилашга қаратилган “Яшил макон” умумий миллий дастурини амалга ошириш би-

ринчи навбатда сув ресурсларига бориб тақалади. Бутун дунёда глобал муаммага айланган сув тақчиллиги бевосита озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир ўтказиши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, Стратегияда сувдан оқилон фойдаланиш борасида ҳам мақсадли ва манзилли режалар тўлақонли баён этилган. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сўғоришда сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш орқали фойдаланиладиган ер майдонларини янада кенгайтириш, пировардида халқимиз дастурхони тўқиллигини таъминлаш бўйича ҳам режалар батафсил кўрсатилган.

Тоза ичимлик суви, сўғориладиган ерларга мўлжалланган оқова суви, улардан самарали фойдаланиш, аввало, сувдан оқилон фойдаланиш маданиятига боғлиқ. Шунинг учун аҳоли ва бошқа сув истеъмолчилари ўртасида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш бўйича белгиланган мақсад ва вазифаларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тарғиб-бот-ташвиқот қилиш ишларини тўғри йўлга қўйиш ишларини амалга ошириш ҳам Стратегияда аниқ кўрсатиб берилган.

Стратегияда чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш иншоотлари самарадорлигини ошириш, ҳар бир шаҳар бош режалари тузишда ҳудуднинг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этилиши ҳам қатъий кўрсатиб ўтилганки, ушбу масалалар бевосита аҳоли саломатлигига дахлдор муҳим масала эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

Стратегияда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар манзилли кўрсатиб берилган бўлса-да, ундаги эзгу мақсадларга эришишда ўзини шу юрт, шу эл фарзандиман, дея билган ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшишни шароф ва бурч деб билиши лозим.

Алиҳом ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси вилоят Кенгаши раиси.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, “Мурод Агро чорва” фермер ҳўжалиги томонидан Қирғизистон республикасида ҳам бирининг тирик вази 30-40 килограмдан бўлган 1130 бош, “Саидмурод Ата” фермер ҳўжалиги томонидан 550 бош, “Саржал Сарибел” кластер МЧЖ томонидан эса 205 бош эдилбай зоди қўйлар келтирилиб, парвариди йўлга қўйилди.

Тизимда ҳаётга татбиқ этилаётган имтиёзлар фермер ҳўжаликлари фаолиятини кўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани билан аҳамият-лидир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси-

Тажриба шуни кўрсатаяптики, майда туёқли молларни парваридиш учун катта тажриба бўлиши шарт эмас. Муҳими, бу иш билан астойдил шуғулланган киши кам бўлмайди, ижтимоий кўмакка муҳтожлик сезмайди. Жорий йилда туманда ижтимоий дафтарларда рўйхатда турганлар ва бошқа фуқароларга имтиёзли кредит ва субсидия маблағлари ҳисобидан 3942 бош қўй ва эчки тарқатилди.

Албатта, туманда 200-250 минг бош майда шохли молнинг юнги нима бўляпти, деган савол туғилиши табиий.

Ил давомидида туман бўйича 554,5 тонна юнг ва 94161 минг дона қўй териси етиштирилади, -



нинг 2021 йил 12 июлда эълон қилинган “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ҳўжаликлари улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида”ги қарори соҳа викиллари фаолиятини яхшилатиш ишларини очиб берди, десак асло муболага эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, чорвачилик йўналишидаги кластер тизимини ривожлантириш мақсадида тумандаги 1 миллион 70 минг гектар яйлов ерлари чорвачилик кластерларида ажратиб берилгани юқоридаги фикримизни асослайди. Бу ўз навбатида, туманда камбағалликни қисқартириш, шунингдек, аҳолининг реал даромадларини ошириш ҳамда хонадонларда майда шохли молларни парваридиш учун ҳам қулай имконият яратиш, оддий қишлоқ одамларининг давлатдан рози бўлган ҳолда, эртанги кунга бўлган умид ва ишончини янада мустақам-ляяпти.

Отабек ЖАНГИРОВ.

Тадорик

МАҚСАД – МАВСУМНИ БЕТАЛОФАТ ЎТКАЗИШ

“Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали ва унинг шаҳар, тумангаз газ таъминоти бўлимлари томонидан куз-қиш мавсумга ҳозирлик давомидида газ қувурларини эстетик жиҳатдан тартибга келтириш ва соҳага оид бошқа юмушлар ушқоқлик билан олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоят бўйича 2233 дона газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилди. Режага кўра, вилоят бўйича 6 дона газ тақсимлаш пунктлари мукамал таъмирланган бўлса, 6,9 километр газ қувурлари реконструкция қилинди. Шунингдек, 2023-2024 йиллар кўзиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида газ қувурларининг 1 км қисмини мукамал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда бу тўлиқ амалга оширилди.

Газ таъминотининг узвийлиги ва хавфсизлигини таъминлашда газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Соҳа масъуллари томонидан ҳудуддаги 95,4 км газ қувурларида босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари бажарилди. Ер ости газ қувурларининг 198,3 км қисми прибор усули билан ҳам текширилиб, иситиш мавсумига тайёр холга келтирилди.

Куз-қиш мавсумга тайёргарлик тадбирларидан



қўзланган асосий мақсад истеъмолчиларга улзуксиз табиий газ етказиб беришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Мавсумга ҳозирлик ишлари жорий йилнинг 1 октябрга қадар якунига етказилиши режалаштирилган. “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали матбуот хизмати.

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

Хабарингиз бор, 2023 йил 11 сентябрь куни Президентимиз “Ўзбекистон-2030 стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Барчамизга яхши маълум маҳалла институти ўзига ҳослиги, ўзида халқимизнинг неча минг йиллик урф-одат ва анъаналарини сақлаб келаётган ноёб тузилмалиги билан ҳам ажралаиб туради. Бугунги кунда эса маҳалланинг ваколатларини кенгайтириш, одамлар муаммоларини айнан қуйи тизимда ҳал этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қарорга кўра 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда “Маҳалла бюджет” тизими жорий этилиши белгиланди.

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушувларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилади.

“Ташаббусли бюджет” ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада

кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида 4 триллион сўм ажратилади. Мана шундай маблағларнинг айнан маҳаллаларни янада обод қилиш учун сарфалигини авваломбор, одамларнинг турмушига фаровонлик олиб киради. Энг муҳими, қишлоқлар ва маҳаллалар инфратузилмаси яхшила-нишига хизмат қилади.

Қарорда яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган. Сир эмас, бугун экологик муаммо нафақат бизнинг мамлакатимиз ёки минтақамизда, балки бутун дунёда жиддий тўлаётган масалалардан. Қарорда белгиланишича атмосферага зарарли ташланмалар ҳаж-

мини камайитириш мақсадида халқаро “карбон маркет” тизими доирасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан барпо этиладиган яшил майдонларни ташкил қилиш харажатларини қисман жалб қилинган грант маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Бундай имконият биринчи галда атмосферага ташланаётган зарарли ташланмаларнинг камайишига хизмат қилиши баробарида, инсонларнинг соғлиги учун муҳим бўлган яшил майдонларнинг кўпайишига хизмат қилади. Айниқса, бу саноатлашган вилоятимиз учун ўта муҳимдир.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарорнинг қабул қилиниши юртимизда инсон манфаатларини тўла-тўқис таъминлаш ва юртдошларимизни фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашдаги яна бир дадил қадам дейиш мумкин.

Илҳом САТТОРОВ,
“Юксалиш” УМХ вилоят ҳудудий бўлини маси бош мутахассиси.

Тафсилот

ОСОЙИШТАЛИК - ОЛИЙ НЕЪМАТ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида Навоий ҳарбий прокуратураси, вилоят мудофаа бошқармаси ҳамда Навоий шаҳар мудофаа бўлими, Самарқанд ҳарбий суди ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар, Куролли Кучлар хизматчилари иштирокида "Интернет ижтимоий тармоқларидан тўғри фойдаланиш", "Мудофаа ишлари бўлимида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида диний муҳитни соғломлаштириш ва диний фонни ўсиб кетишини олдини олиш", "Йўл-ҳаракати хавфсизлиги қондаларига амал қилиш", "Фирибгарлик жиноятини олдини олиш ҳар бир ходимнинг бурчи" мавзуларида "Хуқуқбузарликлар профилактикаси" куни ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар юртимиз тиңчилигини ھимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда ҳарбий хизматчиларнинг беқисс хиссаси борлигини алоҳида қайд этиб, кейинги йилларда миллий армиямиз қудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий шароитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шахсий таркиби ва ҳарбий хизматчилар ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллардан атрофлича жавоблар олишди.

Жўрабек УРИНОВ, Навоий ҳарбий прокурори, адлия полковниги.

15 ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР ИШЛАШИ МҲМКИН...

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддасида Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим ташкилотларининг, касб-хунар мактабларининг, коллежлар ва техникумларнинг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмайдиغان, ўқитиш жараёнини бузмайдиغان энгил меҳнатни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун ишга қабул қилишга — улар ўн беш ёшга тулиши билан ота-онадан бирининг (ота-онанинг ўринини босувчи шахснинг) ёзма розилиғи билан йўл қўйилиши ва улар қабул қилиниши мумкин бўлган ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Тегишли қарор билан маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги касб ва лавозимлар рўйхати тасдиқланди. Уларга ўн беш ёшга тўлмаган болалар меҳнат шартномаси бўйича қабул қилиниши мумкин. Тасдиқланган 219 та "енгил турдаги" иш, касб ва лавозимлар рўйхатига эҳсосовод, артист, хунарманд, маъмур, рассом-фотограф, компьютер графикаси оператори, телеоператор, монтаж устаси, грим устаси, сүфлёр, каскадёр, цирк артисти, киноактёр, аниматор, фотограф, альпинист-тозаловчи, спортчи, мураббий, кийим-кечак конструктори, флорист, дискотека бошловчиси ва бошқалар киритилди. Рўйхатда маданий-томоша ташкилотлари, телевидение, радиоэшиттириш муассасалари ва бошқа ОАВ ижодий ходимлари, профессионал спортчилар ҳамда асарларни яратиш, ижро этишда иштирок этувчи касб ҳамда лавозимлар қайд этилган.

Дилдора РУСТАМОВА, Учкудук тумани Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

Навоий шаҳар адлия бўлими тадбиркор Пулат Аҳмедовга Кармана туманлараро иқтисодий судида 845 миллион сўм миқдоридagi пулларини ундиришда амалий ёрдам берди. Тадбиркор мурожаатига кўра, у раҳбарлик қилаётган "Kids taxi food Navoiy" масъулияти чекланган жамияти 2022-2023 йилларда Кармана туман давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига соғлом овқат-лантиришни ташкил этиш бўйича "аутсорсинг" хизматини кўрсатган.

ОДАМЛАР БИРОВНИНГ ҲАҚИДАН ҚЎРҚМАЙ ҚЎЙДИ

Жамият 2022 йилда Кармана туманидаги 10 та мактабгача ташкилотига қарийб 7 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатган. Аммо, Кармана туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тадбиркорнинг 845 миллион 448 минг сўмлик кўрсатган хизматлари бўйича тўловларни орадан бир йил ўтибдики, жамият ҳисоб рақамига ўтказиб бермаган. Хуллас, агар тадбиркор ҳақ-хуққини талаб қилмаса, 845 миллион сўми йўқ.

Адлия аралашгач

Мурожаат Навоий шаҳар адлия бўлими томонидан тўлиқ ўрганилди. Сўнгра Кармана туманлараро иқтисодий судига МЧЖ манфаатида даъво аризаси киритилди. Тадбиркор фойдасига киритилган даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилди.

Эслабди ўтамиз, "Kids taxi food Navoiy" масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йилда Навоий шаҳар мактабгача таълим бўлими билан худди шу масалада иқтисодий судда иши қўрилган. Ушундан ҳам тадбиркор 287 миллион сўмлик маблағини адлия аралашуви туфайли қайтариб олганди.

Вилоят адлия бошқармаси ахборот хизмати.

Жорий йилнинг 11-15 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича катталар ўртасида "Ўзбекистон кубоги" мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада вилоятимиз шарофтини гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби тарбияланувчиси, вилоят катта тренери Иzzат Қамбаров шогирди Ўзбекистон терма жамоа аъзоси Шуҳрат Эркинов кубок соҳиби бўлди.

"ҲОКИМ КУБОГИ" ҚИЗГИН РУҲДА ЎТДИ



Шунингдек, Яқинда Навоий шаҳри "Ёшлар" спорт мажмуасида 2012-2018 йилларда тутилганлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича "Ҳоким кубоги" вилоят очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақага Навоий, Бухоро, Зарафшон шаҳарлари, Қизилтепа, Кармана, Нурота, Хатирчи, Конимех, Навбахор туманларидан жами 135 нафар спортчи қизлар иштирок этди. Мусобақа яқкалик чиқиш дастури бўйича ташкил этилди. Қизгин руҳда ўтган тадбирда иштирокчилар астойдил баҳс олиб боришди.

Мусобақа якунига кўра, биринчи ўрин 2018 йилда тутилганлар ўртасида Навоий шаҳри иштирокчиси Шукрона Ориповага, 2017 йилда тутилганлардан зафарободлик Алина Садировага, 2016 йилда тутилганлар ўртасида эса Аида Қурбонваларга насиб этди. Шунингдек, Навоий шаҳри иштирокчиси Малика Назарова, бухоролик қатнашчилар Фарзона Қахрамонова, Шаҳризода Ҳикматова ва Асал Бобомуродовалар ҳам ўз ёш тоифаларида энг юқори натижани қайд этди. Спорт усталигига номзодлар ўртасидаги баҳсларда навоийлик Элвина Биктимирова юқори ўринни эгаллади. Мусобақанинг энг яхши спорт устаси, деб эса зафарободлик Татаяна Родионова топилди. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари вилоят Гимнастика федерацияси томонидан муносиб тақдирланди.

ГСТИСМ матбуот хизмати.

18 ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Савол: Мен шу йил 18 ёшга тўламан. Новвой бўлиб ишлашим мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июлдаги қароридан белгиланган "Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шартларидаги ишларнинг рўйхати"га асосан, қуйидаги ишларда 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади, жумладан:



- таркибда олмос бўлган концентратларни меъёрига етказувчи;
- иссиқлик тармоғидаги ускуналарни таъмирлаш бўйича чилангар;
- нефт ва газ қазиб олиш бўйича оператор;
- тиббий препаратларни дозаловчи;
- гипсини қиздирувчи;
- асфалтбетончи;
- новвой;
- хамир қорувчи;
- гўшт маҳсулотларини кесувчи;
- наққош;
- тез тиббий ёрдам станцияларининг навбатчи тиббиёт ходими (шунингдек рўйхатда белгиланган бошқа ишларда) бўлиб, 18 ёшга тўлмаган шахслар ишларлари мумкин эмас.

Алимардон ХОЛНИЁЗОВ, Кармана тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

ЭЪЛОНЛАР

Навоий давлат педагогика институти лавозим мuddати тугаган ва бўш лавозимларни эгаллашга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра профессори лавозимига География ва иқтисодий билим асослари кафедраси - 1 нафар; Рус тили ва адабиёти кафедраси - 1 нафар; Кафедра мудири лавозимига Ижтимоий фанлар кафедраси - 1 нафар; Жисмоний маданият кафедраси - 1 нафар; Кафедра доценти лавозимига Тарих кафедраси - 1 нафар; Физика ва астрономия кафедраси - 1 нафар; Технолодик таълим кафедраси - 1 нафар; Математика кафедраси - 1 нафар; Информатика кафедраси - 1 нафар; Умумий педагогика ва психология кафедраси - 1 нафар; Бошланғич таълим кафедраси - 1 нафар; Инглиз тили амалий курси кафедраси - 1 нафар; Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига Инглиз тили амалий курси кафедраси - 1 нафар; Математика кафедраси - 1 нафар; Умумий педагогика ва психология кафедраси - 1 нафар; Информатика кафедраси - 1 нафар; Бошланғич таълим кафедраси - 1 нафар; Кафедра ўқитувчиси лавозимига Бошланғич таълим кафедраси - 1 нафар; Мактабгача таълим кафедраси - 1 нафар; Кимё кафедраси - 1 нафар; Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси - 1 нафар; Педагогика ва психология кафедраси - 1 нафар; Инглиз тили ва адабиёти кафедраси - 1 нафар; Инглиз тили амалий курси кафедраси - 1 нафар; Рус тили ва адабиёти кафедраси - 1 нафар; Математика кафедраси - 1 нафар; Умумий педагогика ва психология кафедраси - 1 нафар. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши шарт. Танловда қатнашишни хоҳловчилар институт ректори номига ариза берадилар. Аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот (магистр дипломи мутахассис) тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади. Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Манзил: Навоий шаҳар, Ибн Сино кўчаси 45-уй. Институт Кенгаши котиби У.Утамурадов. Мурожаат учун телефон: 94-254-60-00.

"Дўстлик байроғи" газетасининг 2023 йил 14 сентябрь 37-сонида Навоий давлат педагогика институтида 2024 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул тўғрисидаги эълондаги ҳужжатларни қабул қилиш мuddати 2023 йил 15 сентябрдан 15 октябргача деб ўқилсин.

Навоий шаҳри Галаба шoҳ кўчаси 112-уйда жойлашган NARZIYEVA SHAXLO PARDAYEVNA яқка тартибдаги тадбиркорга тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан 2021 йил 19 август кунини RUZIYEV UMIRZOQ MURATOVICH номига берилган MV-022757 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Конимех тумани "Шўркўл" маҳалласи "Нурли жол" қишлоғи 86-уйда жойлашган "SHOR'KOL CHORVA" масъулияти чекланган жамиятига тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Хатирчи тумани "Сангжуман" маҳалласи "Сангжуман" қишлоғи 488-уйда жойлашган "TO'LOIN DODA TURSINTOSH ONA" масъулияти чекланган жамиятига тегишли тамга (штамп) йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Хатирчи тумани "Сангжуман" маҳалласи "Хилбоши" қишлоғида жойлашган TOSHNIYOZOV TULKIN RAXMONOVICH яқка тартибдаги тадбиркорга тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Хатирчи тумани "Муस्ताқиллик" маҳалласи "Шулқиттепа" қишлоғида жойлашган XOLMURODOVA YULDUZ RAXMONOVNA яқка тартибдаги тадбиркорга тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Навоий шаҳри И.Каримов кўчаси 80-уй 116-хонадонда жойлашган "EXIM EMPIRE" масъулияти чекланган жамиятига тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Навбахор тумани "Пахтакор" маҳалласи 37-қўриқлиш моллари савдо дўконида жойлашган "IMPEXUP" масъулияти чекланган жамиятига тегишли айлана муҳр ва тамга йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Навоий вилоят ташкилоти вилоят техника ва амалий спорт турлари маркази томонидан 2020 йил 2 октябрда "В" тоифа 6-сонли ўқув гуруҳида таҳсил олган Сафарова Сабина Умрзоқ қизи номига берилган 0163726 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

Вилоят ИИБ Молиявий таъминот хизмати Пенсия таъминот бўлими томонидан 2012 йил 1 ноябрь кунини Маммиев Собир Расулқулович номига берилган пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит қилинади.

2022 йил 13 январь кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳри "Хумо" маҳалласи "Жасорат" (П.Очилов) кўчаси 2-уй 7-хонадонда доимий рўйхатда турган марҳум MIRZAYEV UKTAM OROPOVICHнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шарипова Нодира Иботовна нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси, 7-уй, 126-хонадон. Мурожаат учун телефон: 79-223-57-55.

2022 йил 11 ноябрь кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳри Толстой кўчаси 4-уй 15-хонадонда доимий рўйхатда турган марҳума MIXAYLOVA VALENTINA YAKOVLEVNAнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шарипова Нодира Иботовна нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси, 7-уй, 126-хонадон. Мурожаат учун телефон: 79-223-57-55.

2022 йил 24 январь кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳри Моносова кўчаси 9-уй 27-хонадонда рўйхатда турган марҳум NAZAROV ZARIFнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 (бир) ой мuddат ичида Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус ЗАIROV MAMAT XAYRULLAYEVICHнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳри, М.Таробий кўчаси, 87-уй, 18-хонадон. Мурожаат учун телефон: 90-717-97-71.

2022 йил 10 май кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар М.Улуғбек кўчаси 5-уй 50-хонадонда доимий рўйхатда турган марҳума XAZRATKULOVA VALENTINA ANDREYEVNAнинг мол-мулкига мерос иши очилиши муносабати билан меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Х.Н.Юлдошевнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳри, "Тонг Юлдузи" кўчаси, 1-уй. Мурожаат учун телефонлар: 99-296-81-88, 93-950-81-88.

2018 йил 9 июль кунини вафот этган, вафотига қадар Нурота тумани "Дўстлик" кўчаси 17-уйда доимий рўйхатда турган марҳум АЛАТОРЦЕВ ВЯЧЕСЛАВ МИХАЙЛОВИЧнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар 1 (бир) ой мuddатда Нурота туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исаев Икром Эшмирзаевичнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Нурота тумани, Х.Худойқулов кўчаси. Мурожаат учун телефон: 79-523-19-44.

2023 йил 22 февраль кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳри "Қизилқум" кўчаси 7-уй, 13-хонадонда яшаган марҳум БАТИРОВ ИБАДУЛЛА ХАЙРИЕВИЧнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муқимов Каримбек Улуғбекович нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳри, Мўъморлар кўчаси, 11А-уй. Мурожаат учун телефонлар: 79-210-10-30, 91-309-60-00.

2023 йил 17 январь кунини вафот этган, вафотига қадар Нурота тумани С.Сиддиқов кўчасида доимий рўйхатда турган марҳума ҚОДИРОВА ШОИСТАнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар 1 (бир) ой мuddатда Нурота туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исаев Икром Эшмирзаевичнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Нурота тумани, Х.Худойқулов кўчаси. Мурожаат учун телефон: 79-523-19-44.

2021 йил 10 август кунини вафот этган, вафотига қадар Нурота тумани Ибн Сино маҳалласида доимий рўйхатда турган марҳум РАМАНОВ ХАМИДнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар 1 (бир) ой мuddатда Нурота туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исаев Икром Эшмирзаевичнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Нурота тумани, Х.Худойқулов кўчаси. Мурожаат учун телефон: 79-523-19-44.

2019 йил 3 ноябрь кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар "Ўзбекистон" кўчаси 8-уй 22-хонадонда доимий рўйхатда турган марҳум BERDIYEV OBIJDON RAZZAKOVICHнинг мол-мулкига мерос иши очилиши муносабати билан меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Х.Н.Юлдошевнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳри, "Тонг Юлдузи" кўчаси, 1-уй. Мурожаат учун телефонлар: 99-296-81-88, 93-950-81-88.

1995 йил 7 сентябрь кунини вафот этган, вафотига қадар Кармана тумани "Катта маҷит" маҳалласи "Анорзор" кўчаси 14-уйда доимий рўйхатда турган марҳума Frolova Galina Вахтоповнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шарипова Нодира Иботовна нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси, 7-уй, 126-хонадон. Мурожаат учун телефон: 79-223-57-55.

2021 йил 26 октябр кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар 4а-даха Х.Дўстлиги кўчаси 42-уй 49-хонадонда рўйхатда турган марҳума HOJIEVA FERUZA BADRIDDINOVNAнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Хамидова Камола Акбаровна нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳри, М.Таробий кўчаси, 127-уй 31-хонадон. Мурожаат учун телефон: 79-222-80-12.

2022 йил 19 июнь кунини вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар Ислон Каримов кўчаси 110-уй 52-хонадонда доимий рўйхатда турган марҳума Махмудова Фақиянинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шарипова Нодира Иботовна нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси, 7-уй, 126-хонадон. Мурожаат учун телефон: 79-223-57-55.

Унинг пайдо бўлиши ота-онасига жуда катта хурсандчилик олиб келди. Уни тарбиялашни, парваришлашни она раҳмидаёқ бошлаб юборишди. У ҳар куни яхши нарсалар егиси келар, гоҳида турли туман ширинлик, гоҳида аччиқ, гоҳида намаклик озиқ истарди. Унинг истаклари эса сўзсиз қаноатланирларди. У ҳали туғилмасидан кийимлари бор эди. Кичикгина пайпоқча, миттигина қалпоқча, жимитдекгина қўлқопча. Чунки қиш эди. У барибир совқотмасди. Чунки она қалбидан қўр олаётган митти вужуд меҳрга унчалик ташна бўлмади. Ҳам тан илиқлиги, ҳам меҳр тафти унга она муҳаббатини ҳис қилиш имконини берарди.

Вақтлар ўтди. У туғилди. Бир парча гўшт. Қўзлари юмук. Худди бу дунёдан юз ўтиргандек. Фақат йилларди. Тўғрида, бу ўткинчи ва ёлгон дунёга қулиб келсинми. Унинг ота-онаси аввалгиданда хурсанд бўлди. Қўшилиб яқинлари ҳам. Бобо халққа ош берди. Олдинроқ дунёга келиб эсини таниган "каттаконлар"га ширинликлар улашилди. У ҳамон туғуруқхонада. Қониб-қониб она сутини ичарди. Ҳеч нарсадан беҳабар. Ота шифокорларга хушомад қилиш билан оввора. Албатта қуруқ гап билан эмас. Ахир унга мушук офтобга чиқмайди.

"Йўқ, шартмас", дейди нозлиб ҳамшира. У остона ҳатлаб уйга келгунча ота кимларга хушомад қилмади. Доя хонасида полни артиб турган хола ҳам хушомаддан беҳабар. Ота шифокорларга хушомад қилиш билан оввора. Албатта қуруқ гап билан эмас. Ахир унга мушук офтобга чиқмайди.

Уни ҳамма яхши қўриб, эркаларди. У эса қуларди. Оиласининг қувончи бўлди у. Бир эрмак, кўнгилихушлик бўлди ота-онага.

Вақтлар ўтди. У боғчага борадиган ёшга етибди-ю, лекин навбати келмабди. Бўйсунмас вақт эса югурдилар, ота-онанинг эса тоқати тугаб борарди. Уйда ўтирай деса рўзгор кургур қўймади. Оёққа кишан, телефонларни қиздираётган бетарбия кредит эса кунда кунора бололайди. Сен банкни сўрамасанг, банк сени сўрайди. Жуда меҳрибон зангарлар. Оила эса ерман-ичарман. Битта отанинг топгани нима бўларди.

"Бир йўлини қилинг", - дейди аёл. Осмонга тикилади ота.

Тонг отади. Ота бир йўлини қилмоқ илинжида "хушомад" режимини ёқиб олади. Оталик қийин. Турли режимларда яшашга тўғри келади. Ҳаммаси У учун.

Боғча маъмурияти эшигини тақиллатлади. "Киринг", дейди ичкаридан жиддий овоз. Кунлик рангбаранг хушомадларни қабул қилиб ўрганган овоз эгаси "ўзини шундай тутиш режими"да яшайди. Чунки шунга ўрганган.

"Навбатимиз келмапти", дейди ота. "Бир йўлини қилинг". "Бироз қийин, лекин иложи бор", дейди жиддий овоз. У эса уйда ўйин билан оввора. Ҳеч нарсадан хабари йўқ. Бироқ, ҳаммаси У учун.

Ота кимгадир хушомад эвазига бўлсада иши битгани-

дан хурсанд. У энди боғчага боради. Бугун боғчанинг биринчи куни. Хушомадларнинг ҳам илк куни. Ота соғ бўлсин. "Хушомад" режимда қувват тугаб қолмас бас. Бир кун ота, бир кун она, вазиятга қараб боғчага қатнайдилар.

"Эртага фалон нарса олиб келинг, индинга писмадон нарса олиб келинг", дейди тарбиячи она.

"Олиб келинглар" ҳам тугамайди, хушомад ҳам.

"Битта энага ёллаганим яхши эди", дейди ота кечкурун.

"Майли, қўяверинг, ҳаммаси У учун-ку", дейди она.

Вақтлар ўтди. Унинг мактабга чиқиш даври келди.

"Хайр боғча, салом мактаб".

Отанинг ҳозирча охириги хушомади билан У боғчани яқунлади.

У мактабга чиқди.

"Ҳар тугул хушомад қилмасак ҳам мактабга олишди-ку", дейди ота.

"Йўқ, яхшироқ мактабга жойлаштиринг", дейди она. "Ҳаммаси У учун-ку".

Ота тонг отиши билан хушомад қилиш мумкин бўлганларнинг рўйхатини хаёли-дан ўтказди.

"Майли, У яхши ўқиса бўлди".

У

У мен, у сиз, у биз ХУШОМАД (ҲИКОЯ)



репетитор белгиласа", хуноби ошади отанинг. "Унда мактабни эмас, репетиторнинг уйини таъмирлаб берайлик". "Қўяверинг, У яхши ўқиса бўлди", дейди она. Вақтлар ўтди. У мактабни тамомлаш остонасига етди. "Хайр, мактабим!" "Ҳамма бир хил кийиниш керак", деди директор. "Мана бундай бўлиши шарт" дейди бир кунлик форманинг расмини кўрсатиб. Ота ҳали бардам. Директорга хушомад қилишга кучи етади. У қарийб беш йил репетитордан билим олди. Шунинг учун Уни мактабни тамомлаши ҳаяжонга

ҳам солмади. У олийгоҳга тайёргарлик кўра бошлади. Ота хушомад қилувчилар рўйхатини тузиш билан оввора.

Имтиҳон куни ҳам келди. Отанинг кўнгли тўқ. Ахир бир нечасига хушомад қилиб қўйган. У ўқишга кирди. "Бироз хушомад билан ҳеч ким ўлмаган". У ўқишни бошлади. Яхшики, давлат ҳисобидан. Отанинг хушомад қилувчилар рўйхати эса ошиб борарди. Ҳар йили икки марта уларни бир йўқларди.

Вақтлар ўтди. У ўқишни тамомлади. "У яхшироқ жойда ишлаши керак", дейди она. Хушомад қилувчилар рўйхати янгиланди. У яхши жойда ишлаш бошлади. Ота эса пенсия ёшига етиб қолди. Бу орада унинг бошини иккита қилиш тадори-гига тушишди.

"Унга яхшироқ қиз топишимиз керак", деди ота. "Ҳа, суриштирайман", деди она. Жимгина тасдиқлади ота.

Пенсияга чиқиб бироз тин олай деганди ота. Лекин қарз қиёматга қолса ёмон. Қарздан қутилиш керак. Пенсияда бўлсада ишлаш бошлади ота. Бу орада Унга кимларга қандай хушомад қилиш мумкинлиги ҳақида ҳам ўқитишни унутмади.

У ҳам оила, ҳам ишни бирдай олиб кетишга интилди. Рўзгор деган аждар эса ютаман дерди.

Мен ҳам бир хушомад қилиб кўрай-чи деди У ва ёш келинчакни ишга жойлаштирди.

"Хушомад яхши экан. Дарров бўлинг битаркан" хаёли-дан ўтказди У.

Вақтлар ўтди. Лавозим деган нафс кўтарил дерди. "Кимга хушомад қилсам экан", ўйларди У.

"Албатта бошлиққа-да", уни тезлайди шайтон. У унинг йўригига юрди. Лавозим кўтарилди. Ойлик ошди.

Лекин, У қарз ҳақида ўйламасди. Одамлар олдидаги қарз, Ота ва Она олдидаги қарз. У фақат ўзини ўйларди. "Яна кимга хушомад қилса ишлари янада яхши бўлади".

У бошқасини унутганда. Ота ҳам, она ҳам кейсаиб борар, қарзлар эса боло-лаб кетганидан аранг қутуларди. Хайриятки, қарз қиёматга қолмади. Кутулди.

У ҳам ота-онасидан "қутулди". ҚАРЗ қиёматга қолди. У ҳамон қандай лавозими ошиши ҳақида ўйлар, хушомад қилувчилар рўйхатини тинимсиз янгиларди.

Ўткир ЎСАРОВ, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Тарихга назар

Юртимизда мамлакатимиз тарихини ўрганишга қизиқиш ҳаммиса юқори бўлиб келган. Жумладан, ҳар бир фуқаро ўзи яшаб келаётган вилоят, туман ёки қишлоғи тарихини билишга қизиқиши, табиий. Мен бузув Нурота туманидаги Анна қишлоғи билан боғлиқ бир масала хусусида газетхонларни мунозарара чорламоқчи эдим.

Анна қишлоғида яшовчиларни "Мўлтони" атамасини қўшиб, "Анна мўлтони" деб талаффуз қилишади. Ўйлаб қоласан киши, нима, Анна қишлоғиликлар мўлтони авлодимиз? Ажабланирлик, уларнинг айримлари ушбу атамани ўзларига "синдириб" ҳам юборишган. Мен ушбу атама нима учун қишлоқ номига қўшиб айта-лиши тўғрисида кўп ўйлардим ва суриштирдим. Тўғри, бу бо-рада ҳужжатлар, архив мате-риалларига мурожаат қилиб қишлоқ ёши, тарихи ва ўтмиши хусусида катта бир мақола тайёрлаш мумкин. Лекин мен бугун қишлоқ тарихи эмас, балки айнан "мўлтони" атамасининг нима учун қишлоқ номи-га қўшиб ишлатилиши хусусида эшитганларим, кексалар айтиб кетган ривоятлар асосида фикримни билдирмоқчиман. Бу хусусида ҳозирги кексаларимизга ҳам қачонлардир боқий дунёга рихлат қилган ота-оналари ҳикоя қилиб бериш-ганлар. Балки бу хусусида яна бошқа тахминлар ҳам бордир. Шунинг учун бугунги фикрларимни фақат шахсий тушунчаларим сифатида қабул қиласиз, деган умиддаман ва шунингдек бирор хато фикр билдириб қўйсам қишлоқ аҳлидан ав-валдан уэр сўрайман.

Айтишларича, Анна қишлоғи Анна бобомиз номидан олинган. Анна бобомиз анчагина бадав-лат бўлиб, у кишининг яққа ўли Болтош бобо-миз бўлган эканлар. Болтош бобомиз Оқтоғ бетнинг беги бўлиб, шу атрофдаги қишлоқларнинг закотини йўққан эканлар. Ўзига яраша обрў-эътиборли киши бўлиб, отар-отар қўйлари, йилқилари бўлиб, ўта мохир чавондоз бўлган эканлар. Улоқ кўпқарида от чопиб олд совринларни олар эканлар. Худди шундай, худуднинг Қора тоғ бетиди бир бой бўлиб, унинг 5 ўғли бўлган, улар ҳам от чопиб, улоқ тала-шар эканлар. Бироқ 5 ўғил ҳам Болтош чавондоз-нинг олдига тушолмас ва бундан орияти келиб доим қасдада юрар эканлар. Бир куни ака-укалар ўзаро гап қилишиб:

- Бектош яққа ўзи бизга улоқ бермайди. Ютол-масак ҳеч бўлмас эиза қилайлик, узангинини кес-сак уни қўлловчи йўққу, - дейишиб, гапни бир жойга қўйишибди ва кейинги кўпқарида Болтош бобомиз-нинг узангинини кесиб юборишибди. Ёлғизлигидан аламзада Болтош бобомиз уйига нохуш кайфиятда кириб келибди. Шунда турмуш ўртоқлари "Бегим, нима бўлди?" деб қарши олибди. Воқеани эшитган момомиз Болтош бобомизга:

- Ёлғизлик жонингиздан ўтиб кетган бўлса, кеч эмас, отамни уйлантириб қўйинг, - деб маслаҳат со-либдилар.

Маслаҳатга қўлоқ тутган Болтош бобомиз хур-жунига тиллоларни солиб тоғ орти, ҳозирги Хатирчи туманининг Қўчқорчи қишлоғи томон йўл олибди.

АННА МЎЛТОНИ АТАМАСИ ХУСУСИДА



Бекнинг келганини кўрган қишлоқ оқсоқоллари унга пешвоз чиқишибди. Болтош бобомиз хавотирлан-масликни ва келишининг мақсадини билдирибди. Оқсоқоллар ўйлашиб қўлишибди ва масжиднинг имоми дебди:

- Бек, отангизни уйлантирмоқчи бўлсангиз мас-жидда бир 18-19 ёшлардаги қиз ётиб юрибди. Ҳар куни масжиднинг олдиларини супуриб-сидиради. Унинг кимлигини билмаймиз, ким билди бирорта мўлтони ташлаб кетганми. Шу қизни олиб берсангиз қандай бўларкан.

Маслаҳат маъқул бўлиб, Болтош бобомиз тил-лоларини қолдириб, қизни уйига олиб кетибди ва Анна бобомизга никоҳлаб берибди. Тақдирни қарангки, ўғай она Болтош бобомизга 5 ўғил туғиб берибди. Болтош бобомиз кўз ўнгида 5 нафар ука улғайибди. Болтош бобомизнинг отарларидан сара отларни чопиб улғайиб бораётган укалар улоқни машқ қилишар, ориятлари қўзиб:

- Бойнинг бобалари акамизнинг узангинини ке-сишган экан, акамизнинг аламини олишимиз керак,

- дейишар экан. Болалар улғайишиб, Қоратоғ бетга ўтишибди. Ака-укаларнинг мақсадларини бойнинг отбоқари англабди ва :

- Болаларим бойнинг болалари билан қасдлашиб ўтирманлар, фалон куни келсанлар бойнинг бияси қулунлайди. Бу бия ҳар тўрт йилда бир бололайди ва ўта сара қулун беради. Келсанлар силарга шунга бериб юбораман. Бойга ўғирлашибди деб қўярман,- дебди. Айтилган кун ака-укалар бойнинг қулунини ўғирлаб келишибди ва тепалик бағридан қапа қазиб, тойчоқни боқа бошлашибди. Орадан тўрт йил ўтиб тойчоқ гижингланган от бўлиб, қаттиқ кишнайдиган бўлибди. Ака-укалар ташвишга тушишибди ва бу отни қандай сақлашни билишмасдан уни со-тиб юборишга келишибдилар ва тоғ ошиб, Хатирчи томонга бозорга олиб боришибди. Тасо-дифни қарангки, отни бир кекса киши айланиб, атрофидан кет-масмиш. Шунда ака-укалар - "Бобо от оласиз-ми?" деб сўрашибди. Бобо, "Болаларим, 4 йил олдин мен бир қулунини ўғирлатганман, бу от ўшанга ўшамоқда?" дейди. Ака-укалар буни тан олишмайди. Шунда бобо "Агар сиз ёлгон айтаётган бўлсангиз сиз, адашолган бўлсам менинг беш ўғлим ўлим топсин. Илоҳинг ўтингиз-ўтингизга, қулингиз-қулингизга қўшилмасин" дей-ди ва бутун бозор аҳли омин қилиб юборишибди. Тақдирни қарангки орадан кўп ўтмасдан бирин кетин беш ака-ука вафот қилишган экан.

Шундай қилиб, Анна бобомиз уйланган қиз ху-сусида. Ул момомизнинг насл-насабини ҳеч ким билмаганидан "Балки бирор мўлтони ташлаб кетгандир" деган фикрга асосланиб "Момомиз мўлтони бўлганлар", деган хулоса келиб чиққан назаримда. Лекин ким ташлаб кетгани номаъ-лум боланинг ҳаммаси мўлтони дейилса, мўлтони кўпайиб кетмасмиди? Ҳозир ҳам туғиб, фарзанди-ни ташлаб кетаётганлар оми. Менимча "мўлтони" атамаси қишлоқ номига қўшиб айтилишининг са-баби шунда бўлса керак. Аслида қишлоқ аҳлининг мўлтони авлодидан эмаслиги аниқ. Бу менинг шах-сий фикрларим. Зеро, сеvimли шоиримиз Хуршид Даврон ўзининг "Самарқанд хаёли" мажмуасида айтганларидек "... биз тарих асарини битмаётгани-миз сабабли гумон қилишга ҳақимиз бор".

Менга бу ривоятни онам сўзлаб берганлар. Онамга бувам-бувиларим айтиб беришган экан. Онам Анна қишлоғидан. Қишлоққа мен жиян бўламан. Қишлоқ тарихини биладиган тоғаларим бисёр. Бироқ мени қишлоқ номига "мўлтони" атама-сининг қўшиб айтилиши қизиқтар эди. Балки бу-нинг ўзгача тарихи бордир...

Иззатулла БЕҒАШЕВ, Нурота тумани.

Тадбир

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Вилоят "Баркамол авлод" болалар мактабида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ҳамда "Буюк келажакка баркамол авлод билан" шиори остида мустақиллик машғулотлари ўтказилди.

Тадбирларни ташкил қилишдан мақсад тўғарақларга ўқувчиларни жалб қилиш, тўғарақлар фаолияти билан уларни яқиндан таништириш ва ўқувчи-ёшларнинг қизиқишлари ҳамда иқтидорларига қараб тўғарақларга аъзо бўлишида кўмаклашиш, касб-хунарга бўлган қизиқишини оширишдан иборат. Мазкур тадбирларда Кармана туманидаги 1,5,15,7-мактаблар ўқувчилари иштирок этди. Улар тўғарақлар томонидан тайёрланган ярмаркада қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олишди.

Матлуба УЗОҚОВА,

"Баркамол авлод" болалар мактаби МОТТ бўлим бошлиғи.

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Ҳар гал хонадонингизга, жамоангизга хушхабар, янгилик, ҳаёлис муносабат ва таҳлилий мақолалар билан кириб борувчи сеvimли нашрларингиз – "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталарига 2024 йил учун обуна бошланганлигини маълум қиламиз.

Нашрларимизга Навоий шаҳри, Навоий кўчаси 36-уйда жойлашган "Матбуот уйи"да ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг шаҳар ва туман бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

(79) 224-65-65, 90-717-55-43, 93-433-93-55.

Обуна индекси: 4502, 4503.

ОБУНА БАҲОСИ 541 100-СЎМ

«Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари тахририяти давлат унитар корхонаси

МУАССИС: НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Бобоқанд УМАРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

қабулхона – 79-224-75-04, бош муҳаррир ўринбосари – 79-224-64-96, муҳбирлар – 79-224-31-62, 79-224-10-46, реклама ва маркетинг бўлими – 79-224-18-97, девонхона – 79-224-77-45.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 210105, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй, «Матбуот уйи» биноси.

Тахририятга келган ҳар бир хат эътиборда! Тижорат материаллари белгиси остида чоп этилган



Газета Навоий вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 25 мартда 07-001-рақам билан қайта рўйхатга олинган Индекс: 4502, 4503

Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 3583. Саҳифаловчи: Ҳ.Тўхташев. Корхона манзили: «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари тахририяти ДУК матбаа бўлимида офсет усулида босилди. Формат А-2. Буюртма №214. Чоп этиш вақти – 10:00 Топтирилди – 9:00